



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 3 апрель, № 66 (4476)

Пайшанба

## СИФАТЛИ, КЎРКАМ ВА ҚУЛАЙ

Маҳсулотлар кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида иш бошлаган «Қурилиш, безаклар, ёритиш жиҳозлари, технологиялар ҳамда қадоқлаш ускуналари индустрияси» халқаро кўргазмасида намоиш этилмоқда.

Унда Туркия ва мамлакатимиздаги 30 га яқин компания ва фирмалар маҳсулот намуналари ҳамда хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасида алоқалар ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик асосида қурилганлиги таъкидланди.

### Кўргазма

Кўргазма павильонларида қурилиш соҳасида юз берган энг сўнгги янгиликлар, эшик-ромлар, қадоқлаш ускуналари, илгор технологиялар, аксессуарлар, кабеллар, бежирим ҳамда кўркам уй-жиҳоз буюмларининг намуналари намоиш этилаётгани иштирокчилар эътиборини тортмоқда.

Тадбир давомида туркиялик ишбилармонлардан бири — «Йилдирим пластик» масъуляти чекланган жамияти директори М. Йилдирим билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистонда барча соҳаларда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан яхши хабардорман. Аиниқса, қўлай сармоявий муҳит, етарли хом ашё, малакали ишчи кучи юр-



Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

тингиз тадбиркорлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очишга умид уйғотади. Маҳсу-

лотларимизга бўлган қизиқиш мақсадимизни амалга ошириш учун замин яратмоқда. Муҳими,

кўргазманинг биринчи куниде, келгусида устувор лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш

учун бир қатор келишув ва битимларга эришдик.

Содиқим ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НАТО/ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схеффернинг таклифига биноан 2008 йил 3-4 апрель кунлари Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда бўладиган саммитида иштирок этади.

## ДЎСТЛИК ФОРУМИ

Ҳафтанинг ташкил этилган дўстлик форуми «Шу азиз Ватан — барчамизники» деб номланди.

Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган мазкур анжуман ҳудудда истиқомат қилаётган қирғиз, тожик, рус, ўзбек миллати вакиллари билан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» бадий дастури билан бошланди. Сўнгра ҳарбий қисмлар аскарлари ҳамда Наманган шаҳридаги 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари кўргазмали чиқишлари намоиш қилишди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Давлат солиқ, Давлат статистика қўмиталари масъул ходимлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Республика Бош прокурори ўринбосари Н. Йўлдошев бошқарган тадбирда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конун ва Ўзбекистон Президентининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишлари янада қўлқаб олиш, тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармон ва қарорлари ижроси муҳокама этилди.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилганлиги, ҳусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар қўрилаётганлиги таъкидланди. Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қатъий белгилаб қўйилган.

Шунга қарамай, жойларда айрим маҳаллий ҳокимият, бошқарув ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, уларнинг мулкий ҳуқуқларини менсимаслик каби қўнуқбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани танқид қилинди. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва уларнинг қўмити тизимларида ҳамда маҳаллий ҳокимликларда бу борадаги қўнуқбузилиш ижроси прокуратура органлари томонидан текширилганда, бир қатор қўнуқбузилиш ҳолатлари аниқланган ва уларни бартараф этиш чоралари қўрилган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузиш, улар фаолиятига асоссиз аралашушлар ва тадбиркорликнинг эркин ривожланиши йўлидаги сунъий тўсиқларга қатъий барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир тегишли идоралар вакиллари ва тадбиркорларнинг эркин мулоқоти руҳида ўтди. Муҳокама этилган масала юзасидан ўзаро фикр алмашишди, тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Беҳзод НОРОБЕВ,  
ЎЗА мухбири.

### Хушxabарлар

Аҳолига уяли алоқа хизмати кўрсатувчи «Unitel» масъуляти чекланган жамияти Қаршида янги коммутиацион станция ўрнатди. Хитойнинг «Ханвей» компаниясида ишлаб чиқарилган бу замонавий ускуна жанубий минтақада мобил телефонлардан фойдаланувчилар учун катта қўлайлик туғдиради.

### Алоқа хизмати ривожланмоқда

— Ҳозиргача «Билайн» мижозларига Самарқанддаги станция хизмат кўрсатар эди, — дейди «Unitel» МЧЖнинг жанубий минтақа филиали директори Улукбек Ахмедов. — Бугун эрта ишга туширилган янги станция Қашқадарё вилояти ҳудудида уяли алоқа сифатини яхшилаш ҳамда «Билайн» мижозлари сонини сезиларли даражада ошириш имконини яратди. Шунинг учун жамоамиз хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳозирги кунда дилерлик салонлари ва пунктлари сони 346 тага етди.

Б. НОРОБЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг халқаро мусобақалардаги муваффақиятлари бугун барчамизни қувонтирмоқда.

### Боксчиларимизнинг навбатдаги галабаси

Кунга кеча Сербия пойтахти Белградда яқинланган нуфузли халқаро турнирда ҳам боксчиларимиз ўзларининг ҳар жиҳатдан кучли эканликларини яна бир бор намоиш этдилар. Жумладан, Рафиқ Султонов, Баҳодир Султонов ва Аббос Атоев ўз вазн тоифасида учрашувларнинг барчасида галабага эришиб, олтин медаллар билан тақдирланди. Финалда етиб келган Дилшод Махмудов ва Элшод Расулов эса юртимизга қумуш медаллари билан қайтайдиган бўлишди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

## ҲАР БИР ЁШГА — БИР НИҲОЛ

Мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ойлиги давом этмоқда. Ушбу тадбирларда қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва бошқа соҳалар ходимлари билан бир қаторда ўқувчи, талаба ва турли жабҳаларда ишлаётган ёшлар фаол иштирок этаётди.

Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, наққорон авлод вакиллари кўча ва хиёбонларни, тарихий қадамжоларни, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, боғларни тартибга келтириш билан бир қаторда, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга уй юмушларида кўмак бермоқда.

Ёшлар йилида ўтаётган мазкур ойлик тадбирларини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўсиб келаётган авлоднинг бунёдкорлик, миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш мақсадида «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ҳар бир ёшга — бир ниҳол» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида юртимизнинг турли ҳудудларида «Ёшлар боғи» барпо этиляпти.

Хоразм вилояти Гурлан туманида бу ерлик йигит-қизлар «Мустақиллик» кўчасида ажратилган бир гектар майдонда минтақа иқлим шароитига мос мевали ва манзарали дархат кўчатлари экилдilar. Ёшлар ташкилотлари етакчилигида кундан-кунга чирой очибатган ушбу ҳудудга «Қамолот» боғи, деб ном берилди.

Юртимиз бўйлаб кенг қулоқ ёяётган бундай эзгу тадбирлар жараёнида пойтахтимиздаги маҳалла ва таълим муассасалари ёшлари ҳам фаол иштирок этаётди.

Б. ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири.

Юртимизда кўклам шуқуҳи кезиб юрибди. У бизга нурафшонлиқни, кўтаринки кайфиятни, пок ният ва орзуларни бахш этди. Наврўзи олам кунлари ҳар бир хонадонда байрам дастурхони ёзилди. Дўсту ёрларга, биродарларга ҳалим, кўксомса, сумалак тортилди.


## ФАЙЗЛИ КУНЛАР ШУҚУҲИ

Баҳор неъматларидан танамизга қувват, руҳимизга ҳузур кирди. Майда-чуйда ташвишлар, гина-қудуратлар барҳам тоғди. Кўнглимиз эзулиқ, сазоват, меҳр-муруват, яхшилик туғилуари билан лиммо-лим тўлди.

Янгилиниш фасли ҳар биримиз учун аталган катта ҳурсандчиликлар, эътибор ва эъзоз ҳазинасини очди. Юртбошимиз айтганларидек, «Мана шу файзли кунларда одамлар маҳалла-қўй, эл-юрт билан тотув бўлиб, бир-бирига қалб қўрини бағишлаб яшагга, беморлар, етим-есирлар, қўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам ва кўмак

беришга, табарруқ кексаларимизнинг дуосини олишга интилади».

Дарҳақиқат, шундай. Шу ўринда айтиш жоизки, Наврўз ба-



### Изҳор

ҳор ва деҳқонлар байрами, уруғ қадаш маросимини асос, у нафосатли руҳият, фасоҳатли дунёқараш, инсоний нуқтарни чекага суриб, иллатдан ҳижмат сари талпинишга, шунинг баробарида тинимсиз фаол, эзгу ҳаракатга йўналирилган фикр-диққат. Қадим замонлар туғруқ-носилари Наврўз кунини ер қақа-

(Давоми 4-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Жомбой туманида фаолият кўрсатётган «Амин инвест интернейшнл» Ўзбекистон — Россия — Англия қўшма корхонаси маҳсулотларининг асосий қисми Россия Федерацияси истеъмолчиларига экспорт қилинаёпти.

### Маҳаллий хом ашёдан сифатли маҳсулотлар

Ип-йигирув, тўкув, ранглаш, бичиш-тиқиш каби барча жараёнлар корхонанинг ўз цехларида амалга оширилмоқда. Маҳаллий пахта хом ашёсидан тайёрланган кийим-кечаклар сифати ва кўркамлиги жиҳатидан харидорларга манзур бўлаяпти.

Абдурасул САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах туманидаги ўн битта қишлоқ врачлик пункти Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан 18 турдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

### Тиббий жиҳозлар келтирилди

Эндиликда ушбу ҚВГларда аҳолини бекаму кўст тиббий куриқдан ўтказиш, беморларга аниқ ташхис қўйиш ва даволашда самарали натижаларга эришиш имкони бор. Жорий йилнинг кейинги чорагида «Олмачи», «Самарқанд-қудук», «Жиззахлик», «Ландумтош» ҚВГларига «Саломатлик — 2» лойиҳаси асосида янги тиббий жиҳозлар келтирилди.

Баҳриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Сохилдаги гузар

Ҳазораспик тадбиркор аёл Дармонжон Жумабоева Наврўз айёми шуқуҳи давом этаётган шу кунларда туманининг «Амударё» маҳалласи аҳлига ўз туҳфасини топширди. У маблағи ҳисобидан маҳаллага гузар қуриб берди.

Гузар Амударё устига қурилган янги кўприк ёнида бунёд этилган бўлиб, ундан бир йўла 40 нафар меҳмонга хизмат кўрсата оладиган шинам меҳмонхона, 500 ўринли тўйхона, гузаллик салони, савдо ярмаркаси ва ошхона жой олган.

Энг муҳими, барча қўлайликларга эга ушбу гузарнинг фойдаланишга топширилиши билан шу қишлоқнинг 30 нафар кишиси ишли бўлди.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Корхонанинг дадил одими

Улар хорижий технологияларни бошқаришни қисқа фурсатда пухта ўзлаштириб олдилар. Корхонада бежирим ва сифатли спорт либослари тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотлар-

га ҳозирданок Осиё ва Европа мамлакатларидан кўп-кўп буюртмалар туша бошлади.

Абдуноби ХАЙДАРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Бир рақам шарҳи

Чирчиқда Жанубий Корея ҳамкорлигида «Дайшен Мегатекс» корхонаси фойдаланишга топширилган, шаҳар аҳолисида 750 нафарга доимий иш ўрнига эга бўлди.

08.04.2008 № 66 (4476)

«Анджон нашириёт-матбаа» оник турдаги акциядорлик жамияти Германиядан келтирилган энг илгор, замонавий жиҳозлар ёрдамида вилоят ҳамда 40 дан ортиқ тармоқ газеталарини, шу билан бирга, буюртма асосида адабиётлар, ўқув қўланмалари ва бошқа рисоаларни ҳам нашр этаётди.

### Анджонда чоп этилмоқда

Яқиндан бошлаб кундалик нашрлар қаторига «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» каби марказий газеталар ҳам қўшилди. Шу кунга қадар бу газеталар катта сарф-харажатлар эвазига Тошкентдан келтирилган эди. Бунинг устига, турли муаммолар сабаб, улар ўз ўқувчиси қўлига кечки-

киб етиб борарди. Газеталарнинг Анджонда нашр этилиши туфайли, водий аҳолиси энди уларнинг севимли рўзномаларини пойтахтликлар билан бир вақтда қўлга оладилар ва мутолаа қиладилар.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

2010 йилгача бўлган даврда республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг янги ички маҳсулот таркибидаги салмоғини

49

Фойдга етказиш кузда тўтилмоқда.

Бунинг учун бизда барча асослар бор. Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини, алоқа ва транспорт, молия-банк тизимлари, коммунал хизмат, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини ҳамда уларга тегишли инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига ана шу муҳим аазифа ҳал этилади.

# ТРАНСПОРТИНГИЗИНИ СУГУРТА ҚИЛДИНГИЗИМИ?

## Бу мулкнинг химояланади, тасодифий зарарингиз қопланади, деганидир

Бугунги кунда мамлакатимизда сугурта муносабатлари ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бошқа бир қатор меъърий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Бироқ мазкур қонун ҳужжатлари сугурта муносабатларининг барча жиҳатларини қамраб олган, деб бўлмайди.

Хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида қонун ҳужжатини талаб қилади. Айниқса, транспорт воситаси билан етказилган зарар ўрнини қоплаш, жабрланувчига ўз вақтида моддий ёрдам кўрсатиш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини химоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бунда эса сугурта хизмати алоҳида ўрин тутайди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 21 февралда қабул қилинган ва Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Қонун шу жиҳатларга кўра долзарбдир.

Ушбу қонун транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини сугурталашнинг мажбурий тартибини белгилаш орқали жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишни кафолатлайди. Қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан бири — сугурталашнинг мажбурийлиги бўлиб, бундай тартиб, биринчи навбатда, транспорт воситасидан жабрланган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий йўқотишлари ўрнини ўз вақтида қоплаш ва бузилган ҳуқуқларнинг тикланишини назарда тутайди.

Қонунда мажбурий сугурта шартномасининг амал қилиш муддати бир йил, деб белгиланган. Шу билан бирга, чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситалари эгалари ушбу транспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланиладиган бутун муддатга,

### Сенатда маъқулланган

лекин камиди ўн беш кунга мажбурий сугурта шартномаси тузишлари лозимлиги Қонуннинг 9-моддасида ўз ифодасини топади.

Мазкур Қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири, унда мажбурий сугурта бўйича сугурта захирасини шакллантириш белгиланган. Унга кўра, агар мажбурий сугуртани амалга ошириш пайтида мазкур сугурта тури бўйича сугурталовчининг даромадлари ва ҳаражатлари орасидаги фарқ бир йилда кўрсатилган даромадларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлса, ортиқ сумма сугурталовчи томонидан кейинги йилларда сугурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун сугурта захирасини шакллантиришга йўналтирилади.

Айни пайтда транспорт воситаси билан боғлиқ ҳодиса содир бўлганда сугурта қилдирувчи ва

жабрланувчи амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар ҳам белгиланган. Унинг энг асосий жиҳатларидан бири, сугурта ҳодисаси содир бўлганда сугурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта шартномаси бўйича сугурталанган бошқа шахс) ёки унинг ваколатли вакили уч календар кундан кечиктирмай жабрланувчига (унинг меросхўрларига) сугурта полисининг нусхасини топшириши ҳисобланади. Сугурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчи томонидан сугурталовчига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳам ушбу сугурта тури учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Қонун бундай ҳужжатлар жумласига қуйидагиларни киритади: сугурта полиси, зарар етказилганлиги фактини ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳамда мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк халталари, асосий воситалар дафтарида кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва шу кабилар). Қолаверса, улар жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ва даъвогарларнинг мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворислигини олганлигини, шунингдек, меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам тақдим этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг ялпи мажлисида маъқулланганлигининг яна бир жиҳати, энг аввало, бугунги кунда транспорт воситалари эгаларининг вужудга келиши мумкин бўлган мулкий йўқотишларини бартараф этади, қолаверса, уларни моддий тарафдан қўллаб-қувватлайди ҳамда муайян тарзда жабрланувчиларнинг зарарларини қоплайди. Аниқроқ таърифлаганда, бир вақтнинг ўзида ҳам зарар етказувчи, ҳам жабрланувчи манфаатдорлиги таъминланади.

Исроил ЭРБЕКОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Сенати аъзоси.

Пойтахтимизда бир ҳафта давом этган Миср маданияти кунлари якунланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтган тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

## МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲҚАМ


Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффофий хоним Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги алоқалар бачча жабҳаларда илмий ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқarli тадбирларга бой бўлди. Фафур Фулом номидagi маданият ва ис-тироҳат боғи, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Миллий санъат маркази ва бошқа бир қатор маърифий масканларда Мисрнинг «Хуррия» фольклор жамоаси иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Мисрлик расом Сайид Иброҳим Муҳаммад Кандийнинг график асарлари ҳамда Авс ал-Ансорийнинг хатотлик намуналаридан иборат кўргазма намойиш ўтказилди. Шу билан бирга, араб тили байрами, қизиқarli илмий анжуманлар, кўрик-танловлар ташкил қилинди.

— Ўзбекистонда кўрганларим эшитган ва ўйганларимдан зиёда экан, — дейди «Хуррия» фольклор жамоаси бадий раҳбари Насриддин Муҳаммад Раҳмуд. — Жамоамизнинг «Офарин» рақс театри ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси бадий жамоалари билан ҳамкорликда намойиш этган дастурлари, бошқа маданий тадбирлар мобайнида халқингизнинг санъатга ихлоси баланд эканига гувоҳ бўлдик. Бундай тадбирлар икки халқ ўртасидаги дўстона ва маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Парламент ҳаёти



# ТАШАБУСКОРЛИК ЗАРУРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг Бухоро вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йилгиликда «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси масаласи кўриб чиқилди.

Йилгиликда шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари, қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари иштирок этидилар.

Тадбирда қўмита ишчи гуруҳи виллоятда мазкур Қонун ижросини ўрганиб чиқгани таъкидланди. Маълум бўлишича, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, ўн битта туман, битта шаҳар харбий-тиббий чакрув қўми-сияси фаолият кўрсатмоқда. Улар қарийб барча тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланган. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан усмирлар марказига 27 миллион сўмлик тиббий асбоб-анжомлар олиб берилган.

Олий харбий олим юр-ларига ўқишга кириш иштиёқи-

даги ёшларнинг кўпчилиги диққатга моликдир. Бултур уларнинг 74 нафари шундай бил-им юрларига ўқишга қабул қилинган. Мудофаага кўмакла-шувчи «Ватанпарвар» ташки-лотига қарашли Бухоро ва Гиж-дудон автомобиль мактаб-ларида Қуроли Қўларимиз учун зарур ҳайдовчилар тайёрлан-моқда.

Чақириққа тайёрланувчи ёшларни ватанпарварлик руҳи-да тарбиялаш юзасидан «Ма-халла», «Нуроний» жамғарма-лари, «Қамолот» ёшлар ишти-роий ҳаракати вилоят кенга-ши ва бошқа ташкилотлар то-монидан олиб борилаётган тад-бирлар ҳам яхши самара бера-япти.

Шунингдек, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун ижросини

таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. «Бухоро илғи», «Нигора», «Бухоро-сут», «Бухоро-текс» ҳиссадорлик жамиятлари, «Бухоро-озик-овқатсавдо» ишлаб чиқариш кооперативда фуқаро муҳофазаси учун мўлжалланган химоя иншоотлари ҳолати талабга жавоб бермайди. 2007 йил кузги чакрувдан сўнг мuddатли харбий хизматни ўтамай қайтарилган йигитлар сонини 11 нафарини ташкил этган. Сафарбарлик чакруви резервиди ҳизмат сафига олиingan шахслар тўлайдиган пул бадалларини ўндирishi ма-саласида ҳам кенг тушунтириш ишларини олиб бориш талаб қилинади.

Йилгиликда депутатлар то-монидан аниқланган камчилик-ларни бартараф этиш учун те-гишли тақлиф ва тавсиялар бери-лди.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# МАҲАЛЛА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қўкон шаҳридаги 54 та маҳаллага фуқаролар йигинларини бошқариш, коммунал тўловларни амалга ошириш, ёш оилалар фаолиятини ўрганишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланилаётгани қўл келаяпти.

Шу тўғрисида ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ўтказилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тақомиллаштиришда замонавий технологияларнинг ўрни» мавзусидаги семинар шаҳар маҳаллалари вакиллари иштирокида ўтказилди.

Мазкур қўмита раиси А. Саидов бошқарган семинарда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятда ахборот технологияларидан фойдаланиш

истиқболлари, муаммолар ва амалиётда уларни бартараф этиш йўллари, ахборот технологиялари ёрдамида аҳоли томонидан коммунал тўловларни амалга ошириш сингари масалалар кенг муҳокама қилинди.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олиш билан бирга, шаҳардаги бир қатор маҳаллаларда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Н. СОБИРОВ.

## Навоий томонларда

Жорий йилда Навоий шаҳрида 5205 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

## КАСАНАЧИЛИККА ЭЪТИБОР

Бу хайрли тадбир кичик корхоналарни ривожлантириш, янги объектларни ишга тушириш, корхоналарни қайта қуриш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш ҳисобидан амалга оширилади.

Юртбошимизнинг «Йилки саннат корхоналари билан касана-чиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича йилки ва ўрта саннат корхоналарида, кичик бизнес субъектларида 1392 та касаначилик иш ўрнини ташкил этиш режалаштирилган.

## ГАЗ ҚУВУРИ ТОРТИЛАДИ

«Янги Зарафшон» — Зарафшон шаҳрининг олис маҳалласи ҳисобланади. Яқинда бу тўғшага ўрта босимли газ қувури тортилди.

Энди «Янги Зарафшон» ҳудудидаги мактаб, тиббиёт маскани, шунингдек, 150 та кўп қаватли уйлардаги аҳоли «зангори олов»дан баҳраманд бўладилар. Шунингдек, бу йил маъдан изловчилар хонадон-ларига ўттиз кило-метрдан зиёд масо-фага паст босимли газ қувури тортилди. Ҳамдам ЭШОҚУЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# МОДЕРНИЗАЦИЯ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## Жараён

Намангандаги «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятини модернизация қилиш тўғрисида бу ерда ишчилар сонини 860 кишига етиб, меҳнат унумдорлиги ўн фоизга кўтарилди. Бизнес-режада бел-

гиланганидан 3,3 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. 21,5 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бунда сиз суратда кўриб турган ватин цехи тўқувчиси

Убайдулло Иброҳимовнинг ҳам хиссаси бор.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

«Тўқликка шўклик» деганларидек, ноқонуний йўллар билан чўнтақ қаплайтириш илминда юрган айрим «ишбилармонларнинг учраётгани ачинарлидир. Олтириқ туманидаги Ваҳобжон Фафуров бошлиқ «Чашма» фермер хўжалиги бундан беш йил аввал фаолият бошлаган эди.

## Назорат

ни очиб, катта миқдорда маҳсулот харид қилиш учун банк амалиятини бажаришади. Лекин не-

— дейди туман давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Тўлқинжон Орзиматов. — Алижон Эргашев шулардан бири. У ҳеч қандай ҳужжатларсиз катта йўл бўйига 24 та мижозга хиз-

# «КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...»

лари ходимлари ҳам элакдан ўтказмоқдалар. Жўрак қишлоғида яшовчи тадбиркорлар — Азизжон Хусанов ва Илҳомжон Сайфуддиновнинг ноқонуний фаолиятлари ҳам туман солиқ хизмати ходимларининг ўткир нигоҳидан четда қолмади. Бизнес оламга эъдиғина кириб келган ва «учарлар» тумандан ташқаридаги «Алоқа банки»да ҳисоб рақами-

гадир, савдодан тушган пуллар ўз вақтида банкка топширилмайди. Текширув асосида эса нақд пуллар бошқа мақсадларга ишлатиб юборилганлиги аён бўлди. Ҳозирда улар қўлни қирқ ёрадиган терговчиларга жавоб беришмоқда. — Айрим ишбилармонлар тадбиркорлик, бизнеснинг ҳалол кўчаларига қўнғир йўллар орқали ўтишга ҳаракат қилишляпти,

мат кўрсатадиган ошқона қўриб олган. «Нақд пул тушуми», «Касаси аппарати», «Бюджетга тўлов» деган тушуналарни умуман билмаслигини айтишдан уялмайди. Янгиқўрган қишлоғлик Мухаммадали Мамармуров, Амир Темир муҳалласида истикомат қилувчи тадбиркор Исажон Қосимов, унинг қўнииси Рустамжон Махмудов ҳам амалдаги қонун талабларидан бўйин

товлашни одат қилиб олишган. Жўрак қишлоғлик тадбиркор Қажор Холматов, гарчи туман ҳокимлигиндан эски металлларни сотиш билан шуғулланишга рухсат олган бўлса-да, амалда омихта эм савдоси билан шуғулланган. «Чинортеги» маҳалласида яшовчи тадбиркор Авазбек Жўраев эса 2007 йил май ойида фаолиятини тўхтатганиги ҳақида солиқ инспекциясига ариза беради-ю, лекин ҳеч нарса бўлмагандай, ишни давом эттираверди...

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари бундай қонунбузарларга амалдаги тартибқондаларни менсимайдиганларнинг аҳоли, охир-оқибатда, аяничи бўлишини эслатиб қўйишди.

Набижон СОБИР,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# «Наврўз»нинг ҲИММАТИ

Термиздаги «Наврўз» хусусий корхонасини ёшларни касб-корга йўналтиришга кўмаклашувчи даргоҳ сифатида ҳам тилга олади.

Тикувчиликни ағзаллаган беш нафар қиз ушбу даргоҳда касана-чилик асосида иш бошлади. Аввалроқ «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази билан ҳамкорликда бу ерда 100 га яқин йигит-қиз маший ва сервис хизматлари кўрсатиш мутахассислигига ўқишганди.

«Наврўз» — кичик корхона. 25 киши меҳнат қилади. Бироқ йилки-йилки жамоаларнинг жонига оро қираётгани, буортмаларни ўз вақтида сифатли бажараётгани ибратли. Корхона истеъмолчиларга йилгирмага яқин хизмат турларини тақлиф этмоқда. Шунингдек, ёш мутахассислар учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида жойларда кичик шўбаларини очганини мўлжалламоқда. О. УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



